# МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «21» 4 2022-230-11-168-МТ-сон Марғилон шаҳар

Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими мудири Х.ҚУРБАНОВА бундан буён бир томондан **«Харидор»** деб юритилади, низом асосида харакат қилувчи, иккинчи томондан ЯТТ Мадрахимова Шохсанам Шухратовна низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса қабул қилиб олинган маҳсулот ёки товар (кўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ.

2.1.

| т/р № | Товарнинг номи | Ишлаб чиқарувчи мамлакат | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Эльдарская сосна(буйи 2,5м) | Ўзбекистон | Дона | 2250 | 19 555 | 43 998 750 |

**43 998 750 (Қирк уч миллион тўққиз юз тўқсон саккиз минг етти юз эллик) сўм**

**(рақамлар, ёзувлар билан)**

## III.ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат) нинг 30 фоизи миқдорида пул маблағини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган холда қўшимча белгиланади.

## IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 3 (уч) кун муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

## V. ТОВАР СИФАТИ.

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертфикати), ишлаб чикариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган холда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш хукукига эга;
- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.
- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини хисоб-варакларда тўлик ва аник номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлик реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб ўз вактида маҳсулотни кабул қилиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниклангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.
- Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-вараклар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % миқдорида

«Харидор»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган маҳсулот кийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу маҳсулот кийматининг 20 % микдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

7.4. «Харидор» томонидан олинган товар ёки маҳсулот учун тўловлар ўз вактида амалга ılмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида «Сотувчи»га ўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан копланади.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

81. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, ёнғин, ер кимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа хар қандай холатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф килиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши кураш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш хуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш борасида:

давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш;

адолатли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланилишини таъминлаш;

ички назоратнинг самарали тизимини, шунингдек давлат харидларини ўтказиш натижалари юзасидан шикоят қилиш ва низолашишнинг самарали тартиб-таомилини яратиш;

давлат электрон савдоларинингсамарали ишлашини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

9.4. Мазкур шартнома томонлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ва хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ва бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

9.5. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошка томон шартномани бекор қилиш хукуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

## X. ШАРТНОМАНИ ЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор килишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо иқтисодий суди оркали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида хал килинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига ҳамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «31» декабр гача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| **ЯТТ Мадрахимова Шохсанам Шухратовна** | **Мактабгача таълим бўлими** |
| **(мол етказиб берувчининг номи)** | **(бюджетдан маблағ олувчининг номи)** |
| Манзил: Тошлоқ туман Варзак КФЙ | Манзил: Мустакиллик 673 уй |
| | Тел + 99890 231 66 00 |
| х/в: 20218000205461895001 | ш/х* 100 022 860 304 127 091 100 251 001 |
| Банк номи. Қишлоқ Қурилиш Банк Фарғона фил | СТИР: 305 152 353 ОКОНХ _______ |
| МФО: 00501 СТИР: 532632299 | Молия вазирлиги Газначилиги |
| | Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010 |
| | Банк номи Марк: Банк Тошкент ш. бо бошкармаси ХККМ |
| | МФО: 00014 СТИР: 201 122 919 |
| Раҳбар ____________ Мадрахимова Шохсанам | Раҳбар ________ Х.Қ.Қурбанова |

O'ZBEKISTON RESP. FARG'ONA VIL. TOSHLOQ TUMANI YAKKA TARTIBDAGI TADBIRKOR MADRAHIMOVA SHOXSANAM SHUXRATOVNA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA ... SHAHAR MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: MP4554145640

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN NORMALARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA

**HUQUQIY XULOSA**

2022-yil 20-aprel Marg‘ilon shahri

**1. Loyihaning raqami:** QX54266880

**2. Loyihaning turi:** Shartnoma

**3. Loyihaning nomi:** Madraximova Shoxsanam bilan mahsulot yetkazib berish shartnomasi

**4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot:**

Marg‘ilon shahar maktabgacha ta’lim bo‘limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022-yil 18-aprel kuni dasturga kiritilgan.

**5. Loyiha yuzasidan huquqiy xulosa:**

Loyiha qonunchilikka muvofiq, Fuqarolik kodeksi hamda “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonunga va boshqa qonunchilik hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan, loyihadan foydalanish mumkin.

**Marg‘ilon shahar yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **I.A.Abduraimxojiyev**